



Ishonch

МОҲИЯТ

**Ватан
равнақи
учун ҳар
биримиз
масъул-
миз.**

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар миллий армиямиз сафларини профессионал, пухта тайёрланган кадрлар билан тўлдириб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ватанпарварлик ва эл-юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди.

Ҳарбий-академик лицейлар бу борада муҳим ўрин тутди. Мазкур билим даргоҳларида таълим-тарбия ишлари самарадорлигини янада оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган «Ҳарбий-академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, ўқитиш тизими амалдаги давлат таълим стандартларига мувофиқлаштирилди, замонавий талабларга мос, самарали ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун зарур инфратузилма яратилди. Ҳар бир лицей таълим йўналишига қараб ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартиби жорий этилди.

— 2007 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейига бу йили 150 нафар ўқувчи қабул қилинди, — дейди мазкур лицей директорининг ўринбосари Ўринбой Бобоев. — Ҳозирги кунда лицейимизда 448 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ўқувчиларга чуқур, профессионал таълим бериш билан бирга, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бизнинг бош вазифамиздир.

Суратда: сержант Жўрабой Мўминов, лицей ўқувчилари (чапдан) Жаҳонгир Умаров, Журъат Рўзметов ва Наби Иброҳимов.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат



Янги кун янгиликлари

Навоий вилоятининг барча шаҳар ва туманларида тоза ичимлик суви таъминотиغا алоҳида эътибор қаратилаётди. Бунинг билан Навоихор туманида қўрилган бўлса, ўтган йили жами 6 км. масофага сув қувурлари ётқизилган. 2011 йилда бу кўрсаткич 11,3 километрга етказилди. Бу 10 минг нафардан орტიқ қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланди, демасди.

Қулайлик

Жорий йил давомида «Янгийўл» ҚФЙга қарашли Қуйи Бурхут, Ғужбоғ, Янгибод, «Янгиқўрғон» ҚФЙга қарашли Супаркент, Мавлонбобо қишлоқларига сув қувурлари тортилиб, тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ўз муҳбиримиз

Хоразмдаги «Хонқабод» кичик корхонаси йигирма йилдирки, вилоят иқтисодий тараққиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Ташаббускор ва билимдон инсон Саидназар Ражабов раҳбарлигидаги жамоа асосан иккиламчи хомашлардан маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган.

Саидназар отанинг ташаббуси

Ҳозирда корхонани Саидназар отанинг ўғли Отабек Ражабов бошқармоқда. Нафақада бўлишига қарамай, ота корхона фаолиятини ривожлантиришга яқиндан қўмақлашиб келмоқда.

— Саноат корхоналарида ишлаганимда иккиламчи хомашдан маҳсулот ишлаб чиқаришни орзу қилар эдим, — дейди Саидназар ота мамнуният билан. — Дастлаб бўш бақлашқа идишларини тўплаб, қайта ишлашга киришдик. Россиядан махсус дастгоҳлар келтириб ўрнатилганидан сўнг ишлар юришиб кетди. Хомашдан дастлаб турли шаклдаги тугмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир корхонада 30 турдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ

Сирдарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жорий йил 95 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб кўзда тутилган.

Тадбиркорга қўмак

Йилнинг ўтган даврида мавжуд тўққизта тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 68 миллиард 443 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Жиззахдаги «Токчилик» маҳалласида янги трикотаж буюмлари фабрикаси иш бошлади. Икки гектарлик майдонни эгаллаган мазкур корхона қурилишига бир миллиард етти юз миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Бежирим, сифатли

Малакали дизайнерлар, маркетинг гуруҳлари хизматининг ўзаро уйғунлиги туфайли дастлабки ишлаб чиқарилган туркум маҳсулотларнинг нафис ва бежиримлиги, сифати нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар эътиборини тортмоқда.

Корхона йилига икки миллион дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўз мухбиримиз

«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламлини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан Наманган вилоятида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Янги уйлар

Хусусан, Янгиқўрғон туманининг «Шарқ юлдузи» ҚФЙ худудидagi замонавий кўтэжлар аҳоли учун яна бир қулайлик бўлиши шубҳасиз.

ҚФЙнинг «Қизилқўқ» маҳалласида 30 та, «Қуйи қоралон» маҳалласида бешта кўтэж битай деб қолди. Шунингдек, «Бекобод» ҚФЙнинг «Соҳил» маҳалласида ўн бешта, «Наврўзобод» ҚФЙнинг Янгиҳаёт қишлоғида 10 та уй-жойда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Турсун Аброев 45 йил ўқувчилик қилди. Нафақага чиққач, фарзандлари билан маслаҳат қилиб боғ яратди. Қўчатлар Фарғона vodiysидан олиб келинди. Ажойиб боғ бунёд этилди. Анорзорни айтмайсанми, нақд Қўва анори. Боғбонлар анор ҳосилини йиғиштириб олдилар. 16 тонна анор пулга чақилса 32 миллион. Ана ҳалол меҳнатнинг самараси.

Даромад — 32 миллион

Боғбон Турсун бобо Ширкент маҳалласидаги кам даромадли хонадонларга ёрдам бериб келмоқда. Шу билан бирга 20 кишини иш билан таъминлаган.

Худойберди НАЗАРОВ,
меҳнат фаҳрийси

2012 йил — Мустақкам оила йили

Аёл — жамият кўрки, оила чароғбони

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова билан суҳбат

— Касаба уюшмалари қошида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг ташкил қилиниши аёлларга нима берди, комиссия зиммасидаги вазифаларни қай даражада адо қилмоқда?

— Авваламбор, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ташкил қилинишини давр талаби сифатида баҳолаш лозим. Қолаверса, комиссияни ташкил қилишдан мақсад касаба уюшма аъзолари бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларнинг иш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кўчаптиришдир. Комиссия фаолият бошлагач, жамоа келишувлари ва шартномаларда аёллар учун қулайлик ва имтиёзлар кенгроқ акс эта бошлади. Фарзанд тарбиялаётган аёлнинг иш соати қисқартирилиши, оғир бўлмаган иш шароитида меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, икки ёшдан уч ёшгача фарзанд тарбиялаётган оналарга имтиёзлар бериш эвазига аёлларимиз ҳам

оилада, ҳам ишхонада, ҳам жамиятда муносиб ўрнини топмоқда.

Бу борада вилоят хотин-қизлар кўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Меҳрошарфат ва саломатлик» жамғармалари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Касаба уюшма аъзолари бўлган хотин-қизлар барча тармоқларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг шундан ҳам билса бўладики, ишловчи ходимларнинг 49,2 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишда хотин-қизларнинг фаол иштироки кўзга ташланмоқда. Вилоятимиз корхона, ташкилот ва муассасалардаги 1558 та бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 601 тасини жамоатчилик

асосида аёллар бошқармоқда.

— Табиийки, аёлларга бўлган ҳурмат-эҳтиром ҳам шунга яраша...

— Тўғри айтасиз. Биргина 2011 йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 1948 нафар кам таъминланган оила вакилларига 97 млн. сўмлик, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 287 нафар аёлга 26,2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 128 нафар аёлга туғилгача ва туғилган кейин ҳақ тўланадиган таътиллار кўни узайтирилди. 925 та кам таъминланган оиланинг фарзандлари учун 20,3 млн. сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларга янги иш ўринларини ташкил қилиш бўйича жойлардаги меҳнат бўлимлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Вилоятда 69 та буш иш ўринлари ямаркаси ўтказилди. Уларда 15229 нафар ишсиз фуқаролар қатнашган бўлса, шундан 7418 нафарини аёллар ташкил этди. 3420

нафар аёл ишга жойлаштириш учун йўланма олди, 3998 нафарига меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳат берилди.

Бандликни таъминлаш мақсадида вилоятимизда 51276 та янги иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шундан 22546 ўринга аёллар эгалик қилди. 2476 нафар аёл яқка тартибда, 8251 нафари касаначилик асосида иш олиб бормоқда.

— Комиссия хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига қай даражада ёндашмоқда?

— Аёллар саломатлиги миллат саломатлигига дахлдордир. Касаба уюшмалари бунинг авваламбор турли спорт мусобақалари, спартакиадлар ва бошқа маданий-оммавий тадбирларни уюштириш орқали таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда икки мингга яқин хотин-қиз мунтазам равишда спорт клубларида шуғулланмоқда. 195 нафар аёл спорт тўғрарларига раҳбарлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Улуғнорлик миришкорлар

Улуғнор туманининг «Гулистон» мавзесида истиқомат қилувчи Олимжон Нуриддинов ўғли Обиджоннинг 10 сотих ери бор.

— Ўтган йили 6 млн. сўм даромад кўрдик, — дейди у. — Ҳукуматимизнинг эътибори бизни беҳад қувонтирмоқда. Заминимиз жуда саховатли, ундан кўзланган ҳосилни олиш мумкин. Бунинг учун меҳнат қилинса бас.

Шунингдек, «Ар-Расул» сабзавотчилик фермер ҳўжалиги 30 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, бўлғор қалампери етиштира бошлади. Айни чоғда улар биринчи ҳосилни йиғиштириш арафасида.

— Мақсадимиз халқимиз дастурхонини қиш мавсумида ҳам тўқин қилиш, — деди ҳўжалик раҳбари Тожиаҳмад Мирзабакиров. — Келгусида бошқа сабзавотлар ҳам экиш ниятимиз бор.

Абдулхай ЮСУРОВ,
«Ishonch» мухбири.
Хурсандбек АРАББОВ
олган суратлар

Томорқа — хазина



Наманган шаҳридаги «Гўзал» маҳалла фуқаролар йиғинида томорқа ҳўжаликларидан унумли фойдаланиш мавзюида семинар ташкил этилди. Иштирокчилар маҳалла аҳлининг бу борада амалга ошираётган ишлари билан яқиндан танишдилар.

Ибратли тажриба

Жумладан, Насриддин Исмоилов, Алишер Тожимирзаев, Исоқжон Набиев ўз хонадонларидаги иссиқхоналарида лимон етиштиришмоқда. Раёно ва Муқаддасхонларнинг ер иссиқхонасида эса турли қўчатлар қулф урапти. Неъматжон Убайдуллаев фарзандлари Улуғбек ва Нозимжон билан биргаликда 400 дан ортиқ бройлер товуғини боқиб, кунига 500 тадан туҳум олаётди.

Шунингдек, «Соҳибкор» ва «Зарбдор» МФЙ раислари ўзлари тайёрлаб келтирган албом ва буклетларни намойиш этди. Гапларига қараганда, улар худудларида 200 дан зиёд ер иссиқхоналари ташкил этиб, турли қўчатлар ўстирмоқда. «Наврўз» МФЙдаги 92 та хонадонда эса 5520 та товуқ боқилляпти.

Мухайё ҒАФФОРОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари Наманган шаҳар
бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Ташаббус қанот ёзмақда

Кейинги пайтда аҳоли ўртасида шахсий томорқа ва қўшимча ер майдонларидан унумли фойдаланиш кенг оммалашаяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига Мурожаати эса ушбу хайрли ташаббусга қанот бағишламоқда.


Туманимизда бу борада кенг қўламли саъй-ҳаракат бошлаб юборилган. Аҳолининг шахсий томорқа ва қўшимча экин майдонларидан самарали фойдаланиш, уларга талаб этилган моддий ресурсларни етказиб бериш ва тизимли ишларни ташкил этиш бўйича туман штаби ҳамда ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳга касаба уюшма фаолларидан ҳам вакиллар киритилган.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш борасида алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан 2012 йилда туманимизда 37152 гектар хонадонга қарашли 11241 гектар майдонда мева, сабзавот, полиз, бошоқли экин ва озуқа ўсимликлари етиштирилди. 8346 гектар оссий, 2820 гектар такрорий ҳамда 75 гектар оралик экин майдонларидан 237350 тонна ҳосил олиш кўзда

тутилмоқда. Шундан 1903 тонна галла, 68215 тонна сабзавот, 28390 тонна картошка, 31000 тонна полиз, 11850 тонна мева, 7458 тонна узум, 340 тонна дук-какли экинлар, 22992 тонна озуқа экинлари етиштириш режалаштириляпти. 150 та энгил конструкцияли иссиқхона ташкил этиш ҳам мўлжалланган. Туманимиздаги 60 та кам таъминланган оилага 100 тадан товуқ, 60 та хонадонга эса 100 тадан бройлер жўжаси бепул тарқатилди.

Аҳмаджон ИСЛОМОВ,
Хатирчи туман АСМ
ходимлари касаба уюшма
кенгаши раиси

Президент китоби ўрганилмоқда



Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшма раислари кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўқиб-ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тарихий йўлимиз маёғи

Унда тармоқ тизимидаги бошланғич касба уюшма ташкилотларининг етакчилари ҳамда касба уюшма фаоллари иштирок этишди. Тадбирни тармоқ касба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Шоикром Исроилов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков мустақилликка эришишнинг ўзи бўлмаганлиги, Юртбошимизнинг ўта мураккаб шароитларда юр-

Самарқанд вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Касба уюшма фаоллари ва мутахассислари иштирок этган анжуманда Самарқанд давлат университети социология кафедраси профессори Фарход Набиев маъруза қилди. Жумладан, нотик мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида улкан бунёдкорлик, ободончи-

лик ишлари амалга оширилаётганлиги, қишлоқларимиз шаҳарга, шаҳарлар мўъжизакор масканларга айланиб бораётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда сўз олган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Мирзо Ҳайитов ва бошқалар мазкур асар тарихий йўлимизнинг маёғи эканлигига алоҳида урғу бердилар.

Н.ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Касба уюшма ташкилотларида

Соғлиқни сақлаш тармоғида янги ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларида бошланғич касба уюшма қўмиталари тузилишига ҳамда жамоа шартномалари имзоланишига катта аҳамият берилмоқда. Уларда меҳнат аҳлининг манфаатлари, ҳақ-хўжуқлари ва ижтимоий ҳимояси тўла қафолатланган бўлиб, айни пайтда юздан зиёд кичик бизнес субъектлари ишчи-ҳодимлари аъзоликка қабул қилинди.

«Устоз — шогирд» хоналари

Бундан ташқари, касба уюшма ташкилотлари тиббиёт йўналиши бўйича таълим олаётган касб-хунар коллежларининг битирувчиларини (коллеж — иш берувчи — касба уюшмаси) уч томонлама тузилган шартномага асосан ишга жойлаштиришда фаолият кўрсатаётди. Шу тарихида 2574 нафар йигит-қиз «Устоз-шогирд» аънанаси бўйича ишга кирди.

Ёшларнинг малака ҳосил қилишлари учун касба уюшма маблағлари ҳисобидан туманлар тиббиёт бирлашмалари қоидада «Устоз-шогирд» хоналари ташкил этилиб, улар турли кўргазмали куруллар, маший техника анжумлари ҳамда амалий фаолиятда ёрдам берадиган ўқув адабиётлари билан таъминланмоқда. Айни пайтда 6 та хона ишга туширилди. Жорий йил якунига қадар улар сони

яна 17 тага ортади.

Тиббиёт муассасаларида амалиёт ўтатётган 2- ва 3-курс талабалари энг кам иш ҳақининг 20 ва 50 фоизи миқдоридан бир мартадан рағбатлантириляпти. Жумладан, Андижон вилояти коллеж ўқувчиларидан 30 нафари энг кам иш ҳақининг 20 фоизи, Андижон ва Самарқанд вилоятларида 46 нафар талаба энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан моддий ёрдам олди. Республика бўйича таълим муассасаларида яхши кўрсаткичларга эришаётган иқтидорли 34 нафар талабага эса касба уюшма стипендиялари жорий этилди.

Азиза АХМАДЕЕВА, журналист

Қарс икки қўлдан

Ҳамкорлик қирралари

Келишиб, бамаслаҳат ишлашга не етсин. Шу мақсадда Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ўртасида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунни ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш мақсадида қўшма қарор қабул қилиниб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилганди. Дастлабки натижалар чакки эмас. Жорий йил давомида 80.663 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган ҳолда 2011 йилнинг 9 ойида 69 591 та иш ўрни яратилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш кўпгина соҳалар — савдо ва умумий овозланиш, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш, молия ва банк, сайёҳлик ва экскурсия хизматлари, коммунал-хўжалик, маший хизмат тармоқлари, автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлашда ўсиш кўзга ташланди.

Янги иш ўринлари яратилган жойларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамкорлигида барча ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари ҳамда Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги қўшма қарор бажарилишини таъминлаш мақсадида жойлардаги туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида тузилган ишчи гуруҳлари таркибига туман тармоқ касба уюшма вакиллари ҳам киритилганлиги айни мuddао бўлди.

Мазкур гуруҳлар томонидан 80 га яқин корхона ва ташкилотларда яратилган иш ўринлари касба уюшма ташкилотлари ҳамда туман меҳнат бўлинулари мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилди. Кўп жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига амал қилиниб, ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат

шароитлари яратилганлиги ва амалдаги меҳнат муҳофазаси бўйича қонун талабларига риоя этилаётганлиги маълум бўлди.

Бироқ, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига етарли эътибор бермаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда.

70 та ҳўжалик юртувчи субъектларда меҳнат шароитлари ўрганилганда 3265 та камчилик аниқланди, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Тошкент шаҳар Бош бошқармаси нозир А.Мўминов. — Йўл қўйилган камчиликлар учун 197 нафар мансабдор шахсларга 60 миллион 901 минг сўмлик жарима солинди.

Масалан, «Даво маскани», «Автотрактортаъмир-сервис», «Шафақ файз» хўсурий корхоналарида, «Мурувват прогресс» масъулияти чекланган жамиятида ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувлари ҳамда бу борадаги билимларини текшириш ишлари суёт йўлга қўйилган. Улар махсус кийим-бош билан тўлиқ таъминланган. Меҳнат кодексининг 214-моддасида назарда тутилган ҳодимларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш ташкил этилмаган. Иш жойларини шаходатлаш масаласи ҳам ўлда-жўлда. Ушбу камчиликни бартараф этиш юзасидан касба уюшма ташкилотининг меҳнат муҳофазаси мутахассиси томонидан иш берувчига тақдирнома киритилди ва унинг ижроси қатъ-

ий назоратга олинди.

— Тармоқ касба уюшмаси вакиллари ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказлари масул ҳодимлари билан ҳамкорликда кўплаб корхоналар фаолияти ўрганиб чиқилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшма кенгаши раиси Зиёдилла Худойбердиев. — Бу, албатта, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Қолаверса, янги иш ўринларини ва уларда ишлаётганлар учун қулай меҳнат шароитлари яратиш борасида ҳар икки ташкилотда ҳам илғор иш таърибалари етарли. Энди бу йўналишда талабчанликни янада кучайтиришимиз, жамоат назоратини бундан да яхшилаш борасида аниқ тадбирларни амалга оширишимиз керак бўлади.

Лекин бахтга қараб Юнусобод, Учтепа, Миробод туманлари бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида янги иш ўринлари кўрсаткичлар ижроси мониторингини олиб бориши, янги ташкил этилган иш жойларини жойига чиқиб ўрганиш суёт бўлимоқда. Натижада андан фаолият бошланган корхоналардаги аҳолини назорат қилиш борасида қийинчиликлар юзага келаяпти. Муаммо эса ўз-ўзидан бартараф бўлмаяпти.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Диллар ўксимасин

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши фаоллари ногирон ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишиди. Ҳафта давомида соҳада фаолият кўрсатаётган кам таъминланган, ногирон педагог-ҳодимлар ва ногирон ўқувчиларга моддий-маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

Шу билан бирга, Навоий ва Зарафшон шаҳридан 13 нафар, Қизилтепа, Навбахор ҳамда Қонимех туманларидан 12 нафар, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги 15 нафар ногирон ўқувчи ва ўқитувчиларга совға-саломлар улашилди.

Кармана туманида жойлашган 25-махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари учун 500 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шаҳноза РУСТАМОВА, вилоят кенгашининг ижтимоий ҳимоялаш бўйича мутахассиси

Аёл — жамият кўрки, оила чароғбони

(Давоми. Боши 1-бетда) Ҳар йили аънаваний ўтказиб келинаётган Хотин-қизлар спартакиадаси ушбу ғамхўрликка ёрқин мисол. Бинобарин, «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир» шiori остида 8 тур бўйича Аёллар спорт фестивали ҳамда Гимнастрада фестивали ўтказилди.

Жорий йил вилоятимиз спортчилари Ўзбекистон терма жамоаси сафида турли спорт турлари бўйича халқаро турнирларда 108 та медални қўлга киритишди. Жумладан, 11-13 август кунлари Россиянинг Астрахан шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида хоразмлик Замира Аҳмедова жаҳон чемпиони бўлди. Дю-до бўйича ўтказилган жаҳон кубогига Р.Бердикулова 2-ўринни эгаллади.

Қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш соғлом авлод дунёга келиши ва вояга етишида асосий мезондир. Шу мақсадда Урганч Давлат университетидан таҳсил олаётган 4 мингдан ортқ талаба қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, қизлар билан мутахассислар иштирокида «Репродуктив саломатлик», «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келди» мавзуларида давра сўхбатлари ташкил қилинди.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида қизлар ўртасида уюштирилган «Талабаларнинг тиббий маданиятини шакллантириш» мавзусидаги семинар-учрашуларда тажрибали шифокорлар иштирок этиб,

соғлом турмуш тарзи, гиёҳвандлик ва унинг асоратлари тўғрисида маърузалар қилинди.

— Бугун жамиятга муносиб бўлиш нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам қомил бўлишни талаб қилади. — Албатта, бугун аёллар рўзгор юкини эркаклар билан

«Баркамолликка интилиб...», «Ёшлик гулшани», «Она билан бола — гул билан лола», «Балли, қизлар» кўрик-танловларини тилга олиш мумкин.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Энг намунали тадбиркор оила» кўрик-танлови, «Обод юртинг

тадбирлар белгиланган.

Шундай бир пайтда хотин-қизларга ажратилган кредитларнинг уддан бириндан ҳам фойдаланилмаганлигини қониқарли ҳолат деб бўлмайди. Бунинг сабабини ўрганиб аниқлашдики, биринчидан, хотин-қизларга кредитлар ҳақида етарли ахборот берилмаган. Иккинчидан, кредит олишда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Учинчидан, хотин-қизларнинг барчаси ҳам кредитдан тўғри фойдаланишни билимайди. Шунинг учун ҳам тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аёлларга бизнес, тадбиркорликни ўргатиш бўйича ўқув курслари, давра сўхбатлари ташкил қилишни белгилаб олдик.

Тез фурсатда ҳал қилишимиз лозим бўлган яна бир муаммо, бу қишлоқ ҳўжалик соҳасида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтиришдир. Айниқса, фермер ҳўжаликларидан ишлаётган аёлларнинг иш вақти аниқ белгиланган, улар оғир меҳнатга жалб қилинмаяпти, бўш вақти мазмунли ташкил қилинаётди иш ҳақи тўланаётди деб айтиш қийин. Шу кунларда соҳада банд бўлган аёлларнинг аниқ рўйхатини қилиб, улар учун меҳнат дафтарчаси очилгани, иш ҳақи вақтида тўланаётгани масаласини мониторинг қилишимиз. Натижалар асосида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни белгилашимиз.

М. ТўРАБОЕВА сўхбатлашди

Хабарлар оқимидан

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетидан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан тизимдаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш ва маънавий муҳитни соғломлаштиришда жамоатчилик иштирокини кучайтириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман хотин-қизлар қўмитаси раислари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элимира Баситханова маъруза қилди. Тадбирда маҳалла, ўқув муассасаси, ташкилот ва корхоналарда 42 мингга яқин бошланғич ташкилот фаолият юритаётгани таъкидланиб, улар ишини кучайтириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» мухбири

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ёқилиг-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Конституция — Бош Қомусимиз» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Тўрақўрган туман бирлашган қўмитаси томонидан 1-умумтаълим мактаби базасида таянч бошланғич касба уюшма ташкилотлари қўмитаси раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Иштирокчилар касба уюшма қўмитаси хонасининг жиҳозланиши, ҳужжатлар юритилиши, касба уюшма қўмитаси раиси Л.Рустамова ташаббуси билан ташкил этилган «Кўғирчоқ театри» жиҳозлари билан яқиндан танишилди. Семинарда 2-мактаб касба уюшма қўмитаси раиси М.Аҳмадалиеванинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган маърузаси тингланди.

Феруза ЭРМАТОВА



баб-баробар тартиб келишмоқда.

Аёл нафақат ишчи-хизматчи, у фарзандини тарбияловчи она ҳам. Бундан онадан ҳар томонлама билимли, чуқур дунёқараш соҳибаси бўлиш талаб қилинади. Мунтазам ўтказиб келинаётган учрашу, давра сўхбати, маданий-оммавий тадбир ва кўрик-танловлар бу борада кўмак бермоқда. Жумладан, «Эътироф», «Эъзоз», «Аёл — меҳр-муруват тимсоли» маданий тадбирлари,

озод қизиман» иқтидорли қизлар анжумани, айниқса, қизиқиш уйғотди.

— Комиссия олдида турган вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар хусусида тўхталиб ўсангиз.

— Аёл чин маънода ўн бармоғи ўн хунар, иқтидор ва истеъдод соҳибаси эканлигини исботлайдиган вақт келди. Комиссия аёлларнинг қобилиятини тўла намойн қилишига кўмаклашиш ниятида қатор

Танлов

Олмалиқ шаҳрида Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан таълим соҳасида меҳнат қилаётган аёллар ўртасида «Энг моҳир касаначи аёл» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Муаллима чеварлар кўриги

Унда туман, шаҳар таълим муассасаларида голиб чиққан 18 нафар ходим қатнашди. Ҳар бир иштирокчи уй вази-фаси сифатида спорт кийими, боғча ёшидаги қизлар учун байрам либоси, аёл ўқитувчилар учун мактаб либоси, меҳнат дарсларида ўғил ва қиз болалар учун кийимлар ҳамда кўрик-танлов учун махсус либос тикиб келиш, шунингдек, шу ёрнинг ўзидан болалар спорт кийимини тикиш ва тикиб келинган либосларни тақдим этиш бўйича маҳоратини синодан ўтказди.

Барча шартлар бўйича фаол иштирок этган Қўрай тумани 2-мактаб ўқитувчиси Шаҳноза Бобоқалонова 1-ўринга лойиқ топилган бўлса, Янгийўл тумани 1-мактаб ўқитувчиси Наргиза Ҳожиёвага 2-, Чирчиқ шаҳар 21-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Рихис Алмирзаевага 3-ўрин насиб этди.

Ҳолилар вилоят кенгаши томонидан кимматбахо совғалар билан тақдирланди. Жамшид ЭРҒАШЕВ

Оила кўргони

Инсон барқ уриб очилган гулларга қараганида бор чарчоғини унутлади. Керак бўлса, ўзи ҳам гулдек очилади, яшаради. Чунки у бундан чексиз руҳий қувват олади...



ган момони қийнаб, судмас сарсон қилиб нима фойда топасиз. Беринг ўша уй керак бўлса, уйингиз бор экан-ку», дедим унга.

босидан, отасидан мерос бўлиб қолган полвонлики қадрлайди. Уларнинг лок хотира, элнинг шаъни учун даврага чиқади. У бир неча йил Чирокчининг, Қўдаланинг орини муносиб ҳимоя қилди.

Эл кайвониси

чиқараман, — деди ўғил тутақиб...

Ушбу воқеа ҳақида кўпни кўрган кайвони Холиёр Қодировга гап очганимда, бу инсоний қиёфанинг йўқолишидан бошқа нарса эмаслигини айтиб, фикрини шеърда давом эттирди:

Ота-онангизни қилманг ҳақорат, Ноҳақ бўлишса-да, ранжиманг ундан. Авайланг, эъозланг, қилинг иноят, Аслида инсонлик белгиси шунда!

У кишининг муносабатини беҳиз сўрамадим. Чунки, бу инсон аразлашган эр-хотинларни яраштиришни катта савоб деб билади. Қўл остида ишлайдиган ҳар бир ходимдан оиласи тинчлигини сўрашни қанда қилмайди.

Холиёр Қодиров ҳақида у туғилиб ўсган Бекламиш қишлоғи оқсоқоли Абдуғафур Файзиев шундай дейди:

— Дўхтирнинг курашдан келадиган солимларга, серка-ю кўчқорларга эҳтиёжи йўқ. Аммо у ёшлигидан бо-

риб, арслондай бакириб, ҳужумкор олишарди. Холиёр полвоннинг энгашиб ёки рақибидан ўзини олиб қочиб олишганини кўрмаганимиз.

Холиёр полвон нияҳтада элпарвар. Қўқдала хўжалигида ўндан ортиқ қишлоқ бўлса, ҳар бирининг Наврўз сайлини тартиб билан ўзи бош бўлиб ўтказарди. Бўлмаса, қиладиган иши бошидан ошиб ётди.

Илгирма йилдан буён туман марказий шифохонасида бош шифокор бўлиб ишлаётган бўлса-да, унда манманликдан асар ҳам топмайди. Қишлоқдаги тўй ва таъзияни эътибордан қолдирмайди. Албатта, вақт топиб боради. Полвоннинг гўзал шеърлар ёзишини айтмайсизми? Шеър ўқиганда давра вужуди қулоққа айланиб эшитилади.

Унинг рафиқаси, фарзандлари лигидан гурурланаман. Дарҳақиқат, дўхтир билан сўхбатлашиб, кўп нарсаларни ўрганиш мумкин.

— Оила — давлат ичидидаги кичик давлат, жамиятнинг бир бўлаги. Шу боис, оилада тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларни устувор бўлиши лозим, — дейди Холиёр дўхтир.

— Сизга бир ривоятни айтиб берай. Бир вақтлар Бағдодда юз берган кучли ёнғин сабабли бир бойнинг ҳамма тоғани ёниб кул бўлибди. Бор мол-дунёсидан бир зумда ажраган бой кўчаларда фарёғ чекиб, йиғлаб юраркан. Бир оқил киши уни тўхтайтиб дебди:

— Кап-катта одам йиғлаб юргани уялмайсанми? — Ахир, барча мол-мулким бир пасда ёниб тамом бўлди. Мен йиғламай, ким йиғласин? — дея ҳасрат қилибди бой.

— Умр йўлдошинг соғ-омонми? — Ҳа, худого шукур, соғ-омон. Фаросатли, солиҳи, эпли аёл.

Шунда оқил киши хитоб қилибди: — У ҳолда нега йиғлайсан, нодон? Сен-ку озгина ҳаракат қилсанг, йўқот-

ган бойлигингни қайта топарсан. Мен каби ақли қалта, тили узун, жағи тинмас, бефаросат хотинга уйланганинга эди, ушанда билардинг, ҳақиқий фалокат нима эканини...

Демак, аввало, ҳар кимнинг уйда тинчлик бўлсин. Эрталаб ишига, иши тугаши билан уйига шошадиган эркак энг бахтли инсон ҳисобланади. Уйга келишим билан янгангиз: «Яхши келдингизми, дадаси?!» дея кутиб олади. Ширин таомларни олдимга қўяди. Ишга жуда эрта кетаман. Шунга қарамай, янгангиз саҳарлаб туриб, нонушга тайёрлайди, кийимларимни тайёрлаб, ишга кузатади. Уйда бўлмаган пайтимда фарзандларим тарбиясини тўлалигича назорат қилади. Бундай муштираб, ҳокисор аёлни яхши кўрмай бўладими?!

Дўхтир «Умрим заргарига» номли шеърда:

Кечкурун шошман тугатиб ишим, Уйимга. Мушфиқим кутар интизор. Кўйсайман болалар чўғур-чўғурин, Сени куттишсалар, ортиқ не бахт бор?

Машинам тўхтади, болалар пешвоз, Ширин табассум-ла келар дилдорим. «Яхши келдингизми?», меҳри овоз, Тарқатиб юборар чарчоқинг борин, дея турмуш ўртоғини алқайи бежиз эмас.

Холиёр дўхтир ҳар бир ишни, у давлат топшириғини, жамоат таъшиши, ёки шахсий, оилавий масалаларни, ўз ўрнида бажаради. Шу боис кўпчилик Холиёр Қодировни «эл кайвониси», дея таърифлайди.

— Чирокчи худуд жиҳатдан анча катта туман. Туман аҳамиятига молик ишларда, ҳар қандай долзарб паллада у кишидан ёрдам сўраймиз, — дейди туман ҳокими Камол Равшанов.

Холиёр дўхтир полвон, тақрибани раҳбар, аҳойиб ташкилотчи, малакали шифокор, меҳр-оқибатли дўст, меҳрибон ота, ога-иниларига ғамхўр жигар, садоқатли оила бошлиғи, адабиёт шайдоси, элпарвар кайвони...

Унинг аҳойиб сифатларини санаб адоғига етиш қийин. Буларнинг барчаси эса бу инсондаги маънавий бутунлик, иймон-эътиқод билан боғлиқ, десак хато қилмаймиз.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Солиқ ва ҳаёт

БЭМ — электрон ҳисоб

юритишнинг афзалликлари

Мамлакатимизда аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари йилдан йилга кенгайиб борапти. Бу солиқ идоралар ҳамда корхона, ташкилотлар ўртасида электрон тарзда маълумотлар алмашиш имкониятини тугдиради.

Маълумотлар, ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этиш иш унумдорлигининг ортиси, ҳисоботларнинг аниқлиги ва корхоналарнинг ҳаражатларини қисқартиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, корхоналар турли интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлапти.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ҳозирда ягона компютер маълумотлар базаси тизимини юритиш асосида солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олиш механизмининг такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, ҳисоботларни электрон тартибда тақдим этилишини таъминлаш, камерал назоратини янада кучайтириш мақсадида ўзбек ва рус тилларида яратилган «БЭМ — бухгалтерга электрон мадад» номли миллий дастурий маҳсулотнинг «Босқичма-босқич барча соҳаларга жорий этилишини таъминлаш, замонавий компютер технологияларидан фойдаланилган ҳолда солиқ тўловчиларга энгилликлар яратиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишга йўналтирилган вазифаларни бажариш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, Юнусобод туман давлат солиқ инспекциясига 2011 йилнинг ўтган даврида мавжуд корхона-ташкилотларнинг 72,5 фоизи ҳисоботларни электрон тарзда топширган. Айти пайтда корхоналарда солиштирма далолатномалари бўйича маълумот олиш ишлари ҳам электрон кўринишда амалга оширилмоқда.

Х. САГДИЕВ, Юнусобод туман ДСИ бўлим бошлиғи

Муваффақиятлар сари

Қорақалпоғистонда Республика ихтисослаштирилган спорт мактаби биноси капитал таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Бундай ғамхўрликка жавобан ушбу ўқув муассасасида таълим-тарбия олаётган ёшлар турли мусобақаларда ғолиблар сафидан жой олмоқда. Жорий йилнинг бошида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида 1992-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича спорт устаси Рустам Юсупов хотирасига бағишлаб ўтказилган республика турнирида 5 нафар ўқувчи совринли ўринларни эгаллади.

Март ойида Чирчиқда бўлиб ўтган дэю-до бўйича мамлакат чемпионатида Нурсулуб Бордахова биринчи ўринни эгаллади. 17-19 март кунлари эркин кураш бўйича ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси оқик чемпионатида ўқувчилардан 15 нафари ғолибликни қўлга киритди. 7-9 апрел кунлари эркин кураш бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида 11 нафар ёш спортчиға совринли ўринлар насиб этди.

Спортчиларимизнинг муваффақиятида Б.Жисмуратов, Р.Шерматов, С.Менглимуратов, Н.Тухлибоев, Б.Сатуллаев сингари мураббийларнинг хизматлари катта, — дейди спорт мактаби директори Арсен Шарашанидзе. — Айни пайтда Муҳаммад Жақсимуратов, Баҳодир Қалимбетов, Муратхўжа Қазаев, Усербой Ережепов, Динмуҳаммед Утемуратов каби халққаро мусобақалар ғолиблари, улар ортидан бориб, муваффақиятларга эришаётган Фарход Усмонденов, Канот Тақлибоев, Илхом Ниетов, Ҳамид Нағметовдек ёш спортчилар билан фахрланамиз.

Россия, Украина, Хиндистон, Таиланд, Қозғистон каби давлатларда ўтказилган халққаро мусобақаларда мактаб спортчилари қўлга киритган 50 дан ортиқ медалларнинг 17 таси олтин, 13 таси кумуш, 29 таси бронзадир.

Иззат ҲИҚМАТОВ

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YOAJ

Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Автомобил ва дарё транспортни ривожлантиришни норматив-техник таъминлаш Республика марказига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Зулфиянон қўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Table with 6 columns: №, Автотранспорт русуми, Тури, Давлат рақами, Ишлаб чиқарилган йили, Бошланғич баҳоси (сўм)

Шунингдек, аукцион савдосига Тошкент вилояти ҳокимияти ўрта-маҳсус касб-хўнар таълими бошқармаси «Ўртачирчиқ Агроеканов ва Транспорти касб-хўнар коллежига» тегишли бўлган Тошкент вилояти, Қўрғиқчи тумани, Юнқўрда қишлоғи, ҚФЙ Ташева қўчаси манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Table with 6 columns: №, Автотранспорт русуми, Тури, Давлат рақами, Ишлаб чиқарилган йили, Бошланғич баҳоси (сўм)

Аукцион савдоси 2012 йил 16 январь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 16 январь кунин аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 24 январь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтайтилади. Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини АКИБ «Протека Банк» Шайхонтоҳур ф-даги х/р: 20210000500571452138, МФО. 00425. Манзил: Тошкент ш, Миробод т, Амир Темур шох қўчаси, 19-уй. Телефон: 233-28-52.

Инсон ҳаёти учун масъул бўлган тиббиёт ходимлари ҳар томонлама етук ва эҳтиб бўлишлари лозим.

Айнан шу сифатларни тарбиялашда кўрик-танловларнинг ўрни беқиёс.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тиббиёт бўлими поликлиникасида «Ҳамшира — 2011» кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов шартига кўра, қатнашчилар 5 та йўналиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Уларнинг тиббиётга оид назарий ҳамда амалий, ижтимоий-сиёсий билимлари яна бир бор синовдан ўтказилди. Қатнашчиларнинг чиқишларини ҳайбат раиси Кенжабек Исмоилов, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси Маҳмуд Ёқубов, шифокорлардан Моҳира Қорахўжаева, Лобар Эрматовалар баҳолаб боришди.

Кўрик-танлов якунига кўра ҳамширалардан Наргиза Нурназарова биринчи, Шахло Муҳаммадиева иккинчи, Диллона Умирова эса учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга Тошкент шаҳар ИИББ бирлашган касабга уюшма кўмитаси ҳамда Тиббиёт бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Ҳамширалар баҳси



«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» MЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. ДК «Халқ банк» Хўжайли филиалининг 2011 йил 9 декабрдаги 1-509-сонли хатига асосан ДК «Халқ банк» Хўжайли филиалига тегишли бўлган Хўжайли тумани, Халқлар дўстлиги қўчаси, 47-уйда сақланаётган 1995 йилда и/ч, д/р 23 АД 098 бўлган «УАЗ-31514» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 815 805 сўм.

2. ДК «Халқ банк» Кегайли филиалининг 2011 йил 9 декабрдаги 1/630-сонли хатига асосан ДК «Халқ банк» Кегайли филиалига тегишли бўлган Кегайли тумани, Дослик гузары қўчаси, 27-уйда сақланаётган 1995 йил и/ч, д/р 23 АВ 459 бўлган «УАЗ-31514» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 982 500 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 16 январь кунин соат 15:00 да Нукус шаҳри, А.Шамуратова қўчаси, 117-«Б» уйда жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносида ўтказилади.

2012 йил 16 январда сотилмаган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 1 февраль кунин соат 15:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган мол-мулклар билан шанба ва яқшанба (байрам) кунларидан ташқари ҳар кунин бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истистадаги талабгорлардан аризаларни ҳар кунин шик вақтида 9:00 дан 18:00 га қадар қабул қилинади ва аризаларни қабул қилиш савдосидан 1 (бир) кун олдин тўхтайтилади. Савдода катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, «Алоқа банк» Нукус филиали, МФО 00623, СТИР 302129374.

Манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова қўчаси, 117-«Б» уй. Телефон: (8-361) 222-84-44.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YOAJ «Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Kafolat» ДАСК ОАЖ Қузултепе кенгашининг 2011 йил 23 сентябрдаги 147-сонли қарори ҳамда «Kafolat» ДАСК Тошкент вилояти филиалининг 2011 йил 7 декабрдаги 624-сонли хатига асосан «Kafolat» ДАСК Тошкент вилояти филиалига тегишли, Тошкент вилоят, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Генерал Фурфуров қўчаси, 147-уйда сақланаётган «Тик» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 01 АХ 825 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 453 600 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 январь кунин соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 17 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 26 январь, 13 февраль ҳамда 28 февраль кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтайтилади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «RMM» YOAJ «Poytaxt filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли» Соғбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО 01036, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох қўчаси, 16-«а» уй. Телефон: (8-371) 233-20-96. www.rkmb.uz.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YOAJ «Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Kafolat» ДАСК ОАЖ Қузултепе кенгашининг 2011 йил 23 июлдаги 184-сонли бўйруғи ва 2011 йил 6 декабр 393-сонли хатига асосан Тошкент гидрометеорология касб-хўнар коллежига тегишли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапўл қўчаси, 45-уйда сақланаётган «ГАЗ 31029» русумли, 1995 йил и/ч, д/р 01 ВА 273 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 950 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 январь кунин соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 17 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 26 январь, 13 февраль ҳамда 28 февраль кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтайтилади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «RMM» YOAJ «Poytaxt filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли» Соғбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО 01036, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох қўчаси, 16-«а» уй. Телефон: (8-371) 233-20-96. www.rkmb.uz.

Республика Ветеринария лабораторияси касабга уюшма кўмитасининг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Янги авлод—2011» болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бошланди. «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ўқувчи-ёшларни санъатнинг сеҳрли оламига ошно этиш, истеъдод соҳибларини аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Суратда: «Қалдирғоч» ракс ансамбли. Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат

Қатралар

Дўст танлашда адашма

(набираларим билан суҳбат)

Ватан дегани билан, тупроқ таъмини билмагани дўст дема.

Сенга бирор ёрдами тегса-ю, шу ёрданимни оғиз кўпиртириб мактаниб юргани дўст дема.

Сен бирор нарсага муҳтож бўлсангу, буни сезмагани дўст дема.

Кибр-ҳавога ичи тўлган одамни дўст дема.

Сен пичоқ бўлсангу, у кин бўла олмас дўст дема.

Амал отига минганимда, уни хуркитиб, йикитгани дўст дема.

Оғзи бўлгани билан, оғзида чиройли дарвозаси бўлмагани дўст дема.


Камтаринлик либосини кийиб юрмагани дўст дема.

Таърибага суянмаган, илмига амал қилмаган, ҳар ишни чала-чулпа қиладиган бетайинни дўст дема.

Ишига борганимда топиб бўлмасни, уйига борсанг, ётиб бўлмасни дўст дема.

Саодатли ОСТОНА, Қамаш туманидаги 74-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси

Шеърый лаҳза



Ватан

Ватан, ягонасан саждагоҳ каби, Сен ўзинг авлиё, сен ўзинг набий. Бағринга кўз тикса агар бир ёғий, Қиличлар додидек дунёни буздим.

Чаман гулзорларинг булбулдек кезиб, Қалбимда бир дунё меҳрни сезиб, Осмонингда парча булутдек сузиб, Бошқа диёрлардан кўнглимни уздим.

Ўзинг-ку жаннатий бебаҳо маскан, Кимки ватансиздир, дилин ғам босган. Сенинг меҳринг билан ҳисларим тошган, Мен шу ҳисларимдан бир китоб туздим!

Сени худо суйсин, менинг суйганим... Э.ШУКУР

Сиз борсиз, севги-ла юрагим бутун, Сиз борсиз, умримга раҳна солмас тун, Мени бахтлилардан этганингиз-чун Сизни Худо суйсин, менинг суйганим!

Исмингиз қалбимга ўймоқлик ҳавас, Менга гуллар тутманг, ҳада керакмас, Сиз-ла бир ҳаводан нафас олсам бас, Сизни Худо суйсин, менинг суйганим!

Кўзингизни асрай киприклар бўлиб, Саодатга элтай кўприклар бўлиб, Мен каби севгига, меҳрга тўлиб, Сизни Худо суйсин, менинг суйганим!

Сиз менинг юрагим, жону жаҳоним, Сизсиз татимайди бирор хуш оним. Мен Сизни севаман чиккунча жоним, Сизни Худо суйсин, менинг суйганим! Ситора ТОШМАТОВА

Онамнинг Хурсаной деган дугонаси бор эди. Ҳаётда қувнок, ҳазилкаш аёл эди, раҳматли. Баъзида уйимизга келиб, Биби-гул, Дайраҳол, Анора деган тенгдошларини чақириб суҳбат қулар, турли гаюрийиб воқеаларни сўзлаб беради. Хурсаной момо сўзга чечан бўлиб, гоҳида гапим қизиқариб бўлсин дебми, лоф ҳам қўшиб юборарди.

Онам эса дугонасини койирди. — Ҳей, ўлсин, айтганига ишонманглар, ўтрик, — дерди.

Хурсаной момо узоқ йиллар кишлоқ кенгаши раисаси бўлиб ишлагани сабабли ўзига ўхшаш фаол аёллардан танишлари кўп эди. Иттифоқо момомиз ўша аёлларни меҳмонга чақирибди. Башанг кийинган аёллар дарвозасидан кириб келишса, офтобруёда ориққина бир одам чакмон-

га ўраниб, деворга суянганча ухлаб ўтирган экан. Меҳмонлар уйга киришиб ҳол-аҳвол сўрашгач, сўрашибди. — Шодиева, анови ухлаб ўтирган одам ким, бечора

касал эмасми? Гап эри Сафар бобо ҳақида кетаётганини сезган Хурсаной момо паст кетгиси келмади.

— Эй, у-ми, узоқ қариндошимиз, бева, ҳеч ким йўқ, менинг отимга қараб юради, — дебди.

— Бўлмаса, эрингиз қаерда, танишайлик, — деб сўрашибди аёллар. Хурсаной момо деразадан ташқарига қараса, кўшниси басавлат Жалил мудир қаёққадир кетаётган экан.

— Ана, ошнасиникига тўйга бораёпти. Меҳмон аёллар келбатли

Жалил мудирни кўриб, эрингиз ўзингизга мос экан, деб макташибди. Алдои иш берган момомиз кўшиқ бошлабди:

Араванинг тагидан куён қочди, ёр-ёр,

— Ҳей, кашмири, ичимизни қизитмай айта қол-а, — деди Анора момо жўртага аччиқланиб.

— Бунга анча йил бўлди. Мухли улим қўлимда эди. Бир кун қамашига идоранинг зарур иши сабаб боришимга тўғри келди. Ўша пайтлари Қашқадарё устидан кўприк йўқ эди. Биров-

нинг отига мингашиб ўтдим. Ишимни бажариб тўшдан сўнг ортага қайтдим. Дарё кўприги оқарди, ҳеч ким йўқ. Дарёнинг нариги бетидаги отликқа кўзим тушди. Рўмолимни силки-тиб чақирдим. Отлик дарёдан ўтиб келди, Юсуф ака экан. Калхўзининг ийлқисини боқиб юрарди. Мени дарёдан ўтказиб қўйинг, деб илтимос қилдим. Эринг қулди ва:

— Пул бўлса тўлардим, бу бошқа нарса...

— Ҳақиқа нима берасан, — деди.

Одамзод ҳаёти тежалган вақтга қараб узаяди.

Ф. Коллиер

Яқинда тахририятдан бир тадбирга қатнашиш ҳақида топшириқ олиб, белгиланган вақтдан 20-25 дақиқа олдин бордим. Аммо тадбир бошланишига 5 дақиқа қолди ҳамки, меҳмонлар кўринмасди. Орадан ярим соатча ўтгач, томошабинлар бирин-кетин кириб келиб жойлашди. Ташкилотчилар эса яна ниманидир кутишарди. Дамба-дам соатимга қарайман. Хуллас, нақд бир соатдан сўнг тадбир бошланди. Шундай экан, тадбирга бир соат кейин таклиф этишса бўлмасиди? Ростини айтсам, ўтган вақтимга ачиндим.

Энимда ўтирган тингловчидан: «Нега қеч келдингиз, улгурмадингизми?» деб сўрасам, хижолат чекмай: «Эрта келганим билан барибир вақтида бошланмайди, шошиб нима қилдим», дейди. Демак, эрта келиб мен хато қилибман-да.

Немисларда яхши бир одат бор. Руслар уни «немецкий расчёт» дейишади. Ҳамма нарса

аниқ, вақтида ҳал этилади. Учрашув белгиландими, айтилган пайтда қандай бўлмасин етиб келиш шарт. Ишда ҳам кечикиш бўлмайди. Кечиккан ишчи келмаган ҳисобланади. Кутиб қолиш, куттириш умуман йўқ. Бизда эса бироз бошқача. Кечиккан кишилар: «Энди бўёги ўзбекчилик», «Нима ҳам қилардик, ўрганиб қолганмиз,

ётганидан хуноб бўладиган одам энг доно одамдир», деган гапи бор.

Ҳақиқатан, вақтни қадрлайдиган одам ҳаётнинг моҳиятини яхши тушунади. Орамизда бундай инсонлар кўпчиликини ташкил этади. Аммо лоқайд кимсаларнинг кам сонли бўлиши ҳам тараққиётга таъсир этмай қолмайди. Режа-

лаштирилган ишнинг масъулиятсиз бир кишини деб бир неча кунга, ҳатто ойлаб кечиктирилганга гувоҳ бўлганмиз. Демак, нафақат ўзимиз, атрофдагиларни ҳам бу иллатдан халос қилишга беэътибор бўлмаслигимиз лозим.

Феруза БОБОХОҶОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Дантенинг: «Вақтни бой бера-

Мулоҳаза



Вақт ўғрилари

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса, вақтнинг қадри қанчалик баҳолаб олинмаган бўлса...

Хушхабар

Уч эғизаклар

Қарши тиббиёт коллежининг физика-математика фани ўқитувчиси Шерзод Абиловнинг хонадонда бир йўла уч эғизак туғилди. Икки ўғил, бир қиз. Уч фарзанди бор эди, олти нафарга етди. Бахтиёр ота-она чақалокларга Ҳасан, Хусан ва Заҳро деб исм беришди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Махмадалиев ва тармоқ қасаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Дилбар Тўхтаева яқинда Фузур туманида яшовчи Абиловлар хонадонда бўлиб, рангли телевизор совға қилишди.

А. АКМАЛОВ

Азал-азалдан халқимиз эғизак фарзанд кўрганларга нисбатан ўзгача ҳурмат, эҳтиром билан муносабатда бўлади. Биз бунини Аллоҳнинг инояти, улкан инъоми сифатида қабул қиламиз. Чиндан-да эғизак фарзандлар кўриш кишига гурур ва ифтихор бағишлайди. Қўшалок фарзандларни дунёга келтирган ота-оналар кўпчиликини ташкил қилади. Аммо бирварақайига уч фарзандга ота-она бўлиш жуда кам инсонларга насиб қилади, инсон саодатдир. Ҳазораслик Саъдуллаевлар оиласи шундай бахтга сазовор бўлишди.

— Эғизак фарзандлар кўришимни ҳомилдорлик пайтими да англаганим, — дейди Махфуза Саъдуллаева. — Аммо учта эканлигини тасавур қилмагандим. Шифокорларнинг беғараз кўмаги туфайли уч фарзандимни ҳам соғ-омон дунёга келтиришга муваффақ бўлдим.

Дарҳақиқат, ҳазораслик шифокорлар ҳомилдорликнинг дастлабки даврларидан Махфузага алоҳида эътибор, гамжўрлик кўрсатиб, она ва болалар саломатлигини таъминлашди.

Айни пайтда она ўзи соғлиқини тиклаб улгурди. Фарзандлар ҳам соғлом. Тиббиёт ходимлари улар соғлиқини мунтазам назорат қилиб бормоқда. Ушбу кувончга оила аъзолари, қариндошлар ҳам шерик бўлишмоқда. Айниқса, Ҳабибулла Саъдуллаев уч нафар неварига бобо бўлгандан жуда мамнун.

Рухия КАРИМОВА, журналист

«Ватан азиз, жасорат мангу»

республика танловига

Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи педагогик жамоаси томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда халқ ҳўжалиги учун жисмоний ва маънан баркамол, билимли ёшларни тарбиялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий ватанпарварликни шакллантириш, спортнинг техник ва амалий турларини риwoжлантиришда ҳавас қилса арзигулик натижалар кўлга киритилляпти.

Ҳарбий тайёргарлик кўнгилдагидек бўлса

Ўтган 2010-2011 ўқув йилида коллежда ўқувчилардан «Билимларингизни синаб кўринг», «Машқ қийин бўлса — мусобақа осон кечади», «Ким бўлмоқчисан, ўсмир?» каби мавзуларда баён ва иншолар олинди. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги бир қанча давра суҳбатлари ўтказилди. Айниқса, гуруҳлар ўртасида ўтказилган сўровнома ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унда ўқувчилар «Сен ким бўлмоқчисан?», «Олий ҳарбий таълим муассасаларига қарашли қандай билим юртларини биласан?», «Кимлар курсант бўлишлари мумкин?», «Бунинг учун қандай ҳужжатлар зарур бўлади?», «Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти қандай мутахассисларни тайёрлайди?» каби саволларга жавоб беришди.

2010-2011 ўқув йилида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида бўлажак аскарлар ўз маҳоратларини ошира бориб, мустақам ҳарбий интизом, қурол-ярроғларнинг сақланиши ва қўлланиши доир малакаларини намойиш этишди. Жумладан, ўқувчи-ёшлар кураш, турникда тортилиш, сузиш, арқон тортиш, сафда кўшиқ айтиш, югуриш каби спортнинг ўндан ортиқ турларини Низом талаблари даражасида уддаладилар.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан 2011 йил май ойида анъанавий тарзда ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасининг республика босқичида коллежининг «Алоқачи» гуруҳи аъзолари фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Тирда нишонга отиш мусобақаларида ўқувчилардан Аб-рор Амирбоев, Бехзод Усмонов, Бунёд Йўлдошев, Жаҳонгир Равшанов ва Баҳром Мўминовлар тенгдошларига ибрат бўлдилар.

Иш ҳўжатларининг юритилиши, тайёрланган кўргазмалар ва ўқувчиларнинг кийиниш формалари ҳам юқори баҳоланди. Сўнги йилларда касб-хунар коллежида фуқаро муҳофазаси бўйича турли тадбирлар ташкил этиш, олий ҳарбий таълим муассасаларига қарашли билим юртлари ҳамда ҳарбий қисмларга саёҳатлар уюштириш доимо диққат-эътиборда бўлди. Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлик-муҳандислик ҳамда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари офицер ва курсантлари билан учрашувлар ўз самарасини бераётди. Ҳозиргача транспорт ва алоқа касб-хунар коллежининг собиқ ўқувчиларидан 25 дан зиёди ҳарбий соҳадаги олий билим юртларини тамомлаб, турли ҳарбий қисмларда хизмат қилиб келмоқда.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти



o'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Esan RAJABOV, To'iqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot 256-03-90 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43 Reklama va e'lonlar 256-87-73 Viloyatdagi muxbirlar: Andjon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99893 725 46 40; Namangan + 99897 491 79 28; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99873 221 93 15; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78 Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch2011@gmail.com Nashr ko'rsatkichi: 133 Navbatchi muharrir: A.Toshev Navbatchi: S. Abdurahmonov Musahhih: S. Shodiyeva Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdulilov «Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxon manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba shtabida gazeta nomi ko'rsatib shart. Muallif fikri tabiiyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Tijorat materiallari 2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 boshla ta'baq. Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.10 Buyurtma 1 - 1211 12824 nusxada bosildi 1 2 3 4